

Лойиха олди ва лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик ҳужжатлари

экспертизаси” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ҳақида пурдат

ШАРТНОМАСИ

2022 йил «24» ноябрь

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ваҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Б.Сатимбаев бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда “Лойиҳачи” деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган “Андижон АЙБИЛ”ва унинг раҳбари П.К.Умаров иккинчи томондан мазкур шартномани кўшимча келишувни туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1“Пурдатчи “Шахрихон тумани Кўшқўноқ МФЙ Қўшқўноқ МФЙнинг “Кўшқўноқ”, “Юксалиш” ва “Зиёлилар” кўчалариги 371 та хонадон ичимлик сувидан фойдаланишда қийналмоқда” обьект учун лойиха олди ва лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертиза” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш обьекти бўйича лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва лот № 187696 обьект бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, “Лойиҳачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Лойиҳачи” Буюртмачи”томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойиҳалаш топширикларида кўрсатиб ўтилган ишларни«30кун» ҳақидаги ШНК1.02.09-15 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктиносий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4 “Лойиҳачи”томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиҳа ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан 20 қунга белгиланган

1.5 “Лойиҳачи”“Буюртмачи”нингруҳсатини кутмасдан, кўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Кўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Лойиҳачи”зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбай хисобидан амалга оширилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1 “Лойиҳачи”нинг мажбуриятлари:

- “Лойиҳачи” “Буюртмачи”томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошлангич ҳужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари)нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш

2.2 “Лойиҳачи”мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Лойиҳачи”томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Лойиҳачи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларнинг мазмунини “Лойиҳачи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиҳа ишларига ўтказилган танлов савдосининг шартнома киймати **41 100 000 (Кирк бир миллион бир юз минг) сўм (ҚҚС билан) булиб,**

- Бундан “Буюртмачи” томонидан “Лойиҳачи”га ЛСХ харажати қийматининг **30 фоизлик** миқдорида бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **12 330 000 (Ун икки миллион уч юз уттиз минг) сўмни ташкил қиласди.**

3.2 Колган маблаглар **70 фоиз** миқдорда маблағ яъни **28 770 000 (Йигирма сakkiz миллион етти юз етмиш минг) сўм** бажарилган ишларга нисбатан жорий молиялаштирилади.

3.3 “Буюртмачи” “Пудратчи”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича “Лойиҳачи” томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ишлари нархи ва муддати узил–кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Лойиҳачи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аникланади.

4.3 “Лойиҳачи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргалиқда илова килиб 3 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишининг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳакида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган мажбуриятлар юкланди.

4.7 Ўзаро ҳисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳакидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5 . Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб–китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга хақ тўлашдан бош тортганлиги (банк мусасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% хажмида пена тулайди.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Лойиҳачи” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % хажмида пена тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Лойиҳачи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пена тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда “Лойиҳачи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Лойиҳачи” ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган холатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар талаб этиладиган сифатга, техник шарт (топширик) ларга мос келмаса ва иш ҳажмлари тўлиқ лойиҳа-смета ҳужоатларига киритилмаган ҳолда, “Лойиҳачи” ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хукуқий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тоhtiшга ҳақли, “Лойиҳачи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайташибни талаб қилишга ҳақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужоатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиҳа-смета ҳужоатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда “Лойиҳачи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулайди. “Лойиҳачи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида” ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатларв а бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мосравишда оркага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазиятиёкиунинг оқибатлари З ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса“Лойиҳачи”ва “Буюртмачи” курилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришини мухокамақиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор килинишини талаб килишга ҳаклидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Лойиҳачи” учун «форс–мажор» ҳолатигатенг ҳисобланади.

7. Қўшимчашартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1-бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, “Лойиҳачи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, “Лойиҳачи” эсаолинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичida хабардор қилишлари шарт.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошкармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартариш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чиқилади

10. Томонларниг реквизитлари

БУЮРТМАЧИ

“Узсувтаъминот” АЖ «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ижиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий

**Андижон шаҳри, Чинабод ко‘часи 59-үй.
ИНН: 305980724. ОКОНҲУ-90213**

ШХР: 301821860034017063201110282

Андижон вилояти газначилик бошқармаси.

Каз. счет: 23402000300100001010

МБББ ХККМ. г. Ташкен МФО 00014


СТИР Каз.под: 201122919

Бошкарма бошлиғи: _____

Б. Сатимбаев

Хукуқшунөс: _____

Г. Атаканов



“ЛОЙИХАЧИ”

**«Андижон АЙБИЛ» ХК
Андижон ш. А. Фитрат кучаси 4
Банк: «Узсаноатқурилишбанк»
АТБ Бунёдкор БХМ оғиси
х/р: 2020 8000 7047 2006 6001
ИНН: 300 883 437; МФО 00440;
ОКЭД: 71110**

П.К.Умаров